



# ИНСОН va ҚОНУН

15 сентябрь 2020 йил / № 36 (1240)

[www.hudud24.uz](http://www.hudud24.uz)

[insonvaqonun@adliya.uz](mailto:insonvaqonun@adliya.uz)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

**MADAD**  
Huquqiy maslahat byurosi

**“МАДАД”: 1 ЙИЛ  
БЎЛДИ —  
ХАЛҚ ХИЗМАТИДА**

8-БЕТ

ФЕРМЕРНИНГ ЕРИНИ ТОРТИБ ОЛМОҚЧИ  
БЎЛИШДИ... АДЛИЯ БУНГА ЙЎЛ ҚЎЙМАДИ 4-БЕТ



ЭНДИ ВАКТИНГИЗ ҲАМ,  
НАҚДИНГИЗ ҲАМ КЕТМАЙДИ... 5-БЕТ

ГУНОҲИМ  
НИМА ЭДИ? 7-БЕТ



## Коррупцияга қарши курашишда Адлия вазирлигининг МУВАФФАҚИЯТ ФОРМУЛАСИ

АДЛИЯ вазири Русланбек Давлетов иштирокида Адлия вазирлигида коррупцияга қарши кураш тизимининг яратилиши, ушбу тизимнинг ўзига хос хусусиятлари ва эришилган натижаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда CERT International s.r.o.нинг Ўзбекистондаги вакили, БМТРД Коррупцияга қарши курашиш глобал лойиҳасининг вакили, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги вакиллари ва Адлия вазирлиги раҳбарияти иштирок этди. Матбуот анжуманида Адлия вазирлигида Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб “Менежментнинг коррупцияга қарши тизими” бўйича ISO 37001:2016 халқаро стандарт сертификати топширилди. Таъкидланганидек, Адлия вазирлиги республикада давлат бошқарув органлари орасида биринчи бўлиб Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими бўйича ISO 37001:2016 халқаро стандарт сертификатини қўлга киритди. Ушбу сертификат вазирлик фаолиятининг барча йўналишларини қамраб олади. ISO 37001:2016 халқаро стандарт сертификати коррупция ҳолатларининг олдини олиш, аниқлаш, зарур чораларни кўриш ҳамда коррупция хавфини камайтиришга йўналтирилган мақбул ва аниқ мезонли чора-тадбирларни назарда тутди.

5-БЕТ



**Русланбек ДАВЛЕТОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазири:**

*“Коррупцияга қарши курашда ягона ва аниқ механизмга эга тизимни яратмасдан туриб, фақат қуруқ гапда, “Коррупцияга қарши курашамиз”, деган билан масала ҳал бўлмайди. Пора олган ходимга огоҳлантириш бериш, тилхат ёздириб олиш билан иш битмайди. Коррупцияга олиб келаётган сабаблари таҳлил қилинмагунча муаммо илдизига етиб боролмаймиз...”*



Халқаро стандартлаштириш ташкилоти томонидан 2016 йилда тасдиқланган **ISO 37001: 2016 “Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими”** халқаро стандарти талаблари асосида 14 та идоравий ҳужжат ишлаб чиқилди



“CERT International” s.r.s халқаро ташкилоти томонидан ўтказилган аудит натижаси бўйича **ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими”** халқаро стандартига мувофиқлик сертификати берилди.



## Вазирликда коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими:

- 2019 йилда бошланиб, 3 фазада амалга оширилди
- 2020 йилнинг февраль-апрель ойларида тўлиқ жорий қилинди

### Коррупцияга қарши комплаенс тизими доирасида:

- вазирлик ва унинг муассасалари функцияларини бажаришдаги коррупциявий хатарлар (492 та) баҳолаб олинди, улар хавфлилик даражасига кўра таснифланди
- жами 155 та аниқ масалани қамраб олувчи алоҳида 3 та дастур ишлаб чиқилиб, 10 дан ортиқ ички ҳужжатлар тубдан янгиланди
- Коррупцияга қарши кураш бўлими тузилди
- ходимларни коррупцияга қарши курашиш бўйича янги e-study.adliya.uz платформаси базасида даврий ўқитиш тизими киритилиб, комплаенс-назорат текширувлари ўтказиш йўлга қўйилди
- ходимлар фаолиятида манфаатлар тўқнашувини тартибга солишнинг амалий тизими тўлиқ жорий қилинди
- кадрларни танлаш, аттестациядан ўтказиш ва моддий рағбатлантиришнинг мутлақо шаффоф тизими ўрнатилиб, ишга қабул қилиш билан боғлиқ шикоятлар 4 баробарга камайди
- давлат харидлари соҳасида контрагентларни текшириш амалиёти йўлга қўйилди, тузилаётган шартномаларга коррупцияга қарши курашга оид шартлар мажбурий киритилиши белгиланди
- коррупциявий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар бериш ва аниқланган ҳолатларни бартараф этишнинг ташкилий асослари мустаҳкамланди

### Комплаенс тизими

БМТ Тараққиёт дастури гранти ҳисобига “KPMG” компаниясини (Италия) жалб қилган ҳолда вазирликда коррупцияга қарши комплаенс тизими жорий этилди

# РАҚАМЛАШТИРИШ

2020 йил 3 сентябрда давлатимиз раҳбарининг “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори имзоланди.

Мазкур Қарорнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, унда белгиланган вазифалар ижросининг таъминланиши фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш имкониятларини янада кенгайтириш ҳамда эркинлаштириш учун шароит яратди.

## судни адолат уйига айлантиришга хизмат қилади

Куйидаги давра суҳбатида ушбу Қарорнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти тўғрисида батафсил танишасиз.



**Актам ХАЙТОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари:

### ЭНДИ СУДЛАРГА БЕРИЛГАН ДАЪВОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ЖАРАЁНИНИ ОНЛАЙН КУЗАТИШ МУМКИН БЎЛАДИ

— Ушбу Қарорга асосан Олий суд 2020 йил якунига қадар суд мажлисларида видеоконференцалоқа режимда иштирок этиш имконини берувчи мобил дастурни ишлаб чиқади ва уни амалиётга жорий этади.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, уни фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қила оладиган мустақил давлат институтига айлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларни тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз ва ушбу Қарорнинг Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан илгари сурилган дастурий вазифаларига мослигини алоҳида эътироф этамиз.

Бинобарин, партиямиз учун қонунчилик ва суд-ҳуқуқ соҳаси доимо муҳим аҳамият касб этиб келган. Биз судлар фаолияти очиклиги ва ошкоралигининг кучайтирилиши, “электрон ва рақамли суд” концепциясининг амалга оширилиши, судлар томонидан ўз фаолияти ҳақидаги ҳисоботларнинг халқ депутатлари Кенгашларига тақдим этилиши, маҳалла, корхона ва ташкилотларда кўчма суд йиғилишлари ўтказилишини — адолатли суднинг гарови, деб биламиз.



**Асрор МАХАММАДИЕВ,**  
Термиз туманлараро иқтисодий суди судьяси:

### МАСОФАДАН ТУРИБ СУД МАЖЛИСИДА ИШТИРОК ЭТИШ МУМКИН

— Қарорда назарда тутилган фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишни электрон тарзда амалга ошириш бугунги тобора мураккаблашиб бораётган пандемия шароитида инсонларнинг соғлигини асраш нўқтаи назаридан ҳам ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида ҳамкасбимиз томонидан таъкидлаб ўтилган Дастур ва “Йўл харитаси”даги белгиланган кенг қўламли вазифаларнинг ижро этилиши натижасида судларга онлайн мурожаат қилиш, масофадан туриб суд мажлисида иштирок этиш, чиқарилган суд қарорларини онлайн олиш имконияти кенгайди. Шунингдек, барча судларда суд мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш имконияти туғилади. Апелляция ва кассация инстанцияси судларида ишларни судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимлаш имконияти вужудга келади. Айни пайтгача бундай амалиёт туманлараро, туман, шаҳар судларидагина мавжуд эди. Қарор билан суд процесси иштирокчиларини суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида SMS хабар орқали бепул хабардор қилиш имконияти пайдо бўлади. Бу суддаги тарафларнинг суд процессига ўз вақтида келишини, процессуал мажбуриятларини бажаришини, уларни айрим суд ҳаражатларидан озод қилишни таъминлайди, суд мажлисини бошқа кунга қолдириш ҳолатларига барҳам беради.

Бундан ташқари, судга мурожаат қилиш тартиби қанчалик осон ва қулай бўлса, мурожаатларни белгиланган муддатларда адолатли кўриб чиқилса, низоли талаблар қонуний ҳал этилса, суд ишларини кўриш жараёни шаффоф ва очик амалга оширилса, фуқароларнинг суд органларига нисбатан ишончи ортади.

Қарорда кўрсатиб ўтилганидек, бугунги кунда судларда ишларни кўришда кўпгина вазирлик ва идоралар билан маълумот алмашинуви уларнинг ахборот тизимлари ўзаро интеграция қилинмаганлиги сабабли асосан қоғоз шаклида амалга оширилмоқда. Шунингдек, судлар томонидан фуқаролар ва тадбиркорларга кўрсатиладиган интерактив хизматлар турини кенгайтириш бўйича ишларни жадаллаштириш талаб этилади. Шунингдек, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турларини кенгайтириш, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёнини онлайн кузатиб борилишини таъминлаш, суд биноларида интерактив хизматлардан эркин фойдаланиш имкониятини яратиш зарур ҳисобланади.

**Замонавий демократик давлат ва очик, эркин фуқаролик жамиятда “адолатли қарор топтириш” суд идоралари орқали амалга оширилар экан, суд органлари фаолиятини рақамлаштириш долзарб аҳамият касб этаверади.**

**Шу нўқтаи назардан ҳам “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор суд органлари фаолиятида туб ўзгаришлар рўй беришига мустақкам асос бўлади.**

Давра суҳбатини  
Арслон ЭШМУРОДОВ тайёрлади.



**Жамшид САДИНОВ,**  
жиноят ишлари бўйича Янгийўл шаҳар суди судьяси:

— “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш” дастурининг ижроси натижасида судларга масофадан туриб мурожаат қилиш, суд мажлисларида видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланиб иштирок этиш, судьялар ўртасида ишларни автоматик тарзда тақсимлаш, суд қарорларини Интернет тармоғида эълон қилиш, ижро ҳужжатларини электрон шаклда мажбурий ижрога юбориш тизимлари жорий этилганлиги амалиётда ўзининг яхши самарасини бериб келаётган эди. Жорий йилнинг 3 сентябр-

набатда, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини судда ишончли ҳимоя қилиш, уларнинг қонуний талабларини ўз вақтида кўриб чиқиш, ҳар қандай иш бўйича асосли ва адолатли суд ҳужжатларини чиқаришда муҳим аҳамиятга эга. Нима учун деган табиий савол туғилади. Биринчидан, 2021 йил 1 январдан бошлаб барча судларда суд мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу

### САРФ-ҲАРАЖАТЛАР КАМАЯДИ

даги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорда эса суд органлари фаолиятини рақамлаштириш бўйича янги вазифалар кўйилди. Суд органлари фаолиятини рақамлаштириш бу — судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш деганидир.

Рақамлаштириш, биринчи навбатда, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини судда ишончли ҳимоя қилиш, уларнинг қонуний талабларини ўз вақтида кўриб чиқиш, ҳар қандай иш бўйича асосли ва адолатли суд ҳужжатларини чиқаришда муҳим аҳамиятга эга. Нима учун деган табиий савол туғилади. Биринчидан, 2021 йил 1 январдан бошлаб барча судларда суд мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш тизими жорий этилади. Демак, судья иш кўраётган жараёнда процессуал хато ва камчиликларга йўл қўйса, у ҳам ойдинлашади. Шунинг учун, ҳар бир ишга жуда катта тайёрлик билан кирилади ва имкон қадар хатога йўл қўймаслик чорасини кўради. Иккинчидан, суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан, мобил қурилмалар ва электрон ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали иштирок этиш имкониятини кенгайтирилиши, шунингдек, иш бўйича тарафлар учун суд қарорларини онлайн тарзда олиш имкониятини яратилиши, уларнинг илтимосномаси бўйича эса қоғоз шаклида тақдим этилиши, муайян ишни кўриш жараёнида зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни фуқароларни овора қилмаган ҳолда судлар томонидан бевосита давлат органлари ва ташкилотларидан электрон шаклда олиши белгиланганлиги фуқароларнинг ҳамда суд мажлиси иштирокчиларининг ортиқча оворагарчилигининг олдини олиб, сарф-ҳаражатлар тежамкорлигига эришилади.

### ФАОЛИЯТДА ШАФФОФЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ

— Мазкур Қарорнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, унда белгиланган вазифалар ижросининг таъминланиши фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш имкониятларини янада кенгайтириш ҳамда эркинлаштириш учун шароит яратди.

Ушбу Қарор билан 2020-2023 йилларда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш Дастури ҳамда судларнинг ахборот тизимларини давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш бўйича



**Музаффар АХМЕДОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши аъзоси, юридик фанлар номзоди:

“Йўл харитаси” тасдиқланди. Ушбу Дастур ва “Йўл харитаси”нинг тегишли бандларида Судьялар олий кенгаши олдида ҳам бир қатор муҳим вазифалар кўйилган. Улар:

- электрон ҳужжатлар алмашинуви, мурожаат ва аризаларни электрон шаклда юбориш, судьялик лавозимига номзодлар, вакант судьялик лавозимлари ҳисобини юритиш, судьялик лавозимига тайинлаш учун ўтказиладиган суҳбат жараёнини рақамлаштиришни ўз ичига олган Судьялар олий кенгашининг ахборот тизимини;
- электрон ҳужжатлар алмашинуви, мурожаат ва аризаларни электрон шаклда юбориш, профессор-ўқитувчилар ва тинловчиларнинг рейтинг кўрсаткичларини электрон тарзда шакллантириш, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш курслари тинловчиларининг ўқув жараёнини онлайн тарзда назорат қилиш тартибини ўз ичига олган Судьялар олий мактабининг ахборот тизимини ишлаб чиқиш каби вазифалардир.

Шунингдек, Дастурда Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби олдида ҳам бир қатор вазифалар кўйилган. Хусусан, унинг 10-бандида Судьялар олий мактабида симуляция суд мажлиси залига суд мажлисини аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиш ҳамда видеоконференцалоқа тизимини жорий қилиш орқали суд мажлисларини ўтказишнинг ўқув ва намойиш этиш имкониятини яратиш масаласи назарда тутилган.

Бундан ташқари, Дастурнинг 13-бандида профессор-ўқитувчилар ва тинловчиларнинг рейтинг кўрсаткичларини электрон тарзда шакллантириш, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш курслари тинловчиларининг ўқув жараёнини онлайн тарзда назорат қилиш тартибини ўз ичига олган Судьялар олий мактабининг ахборот тизимини ишлаб чиқиш вазифаси ҳам кўйилган.



# Биз Сиздан пул сўрамаймиз! Беминнат ёрдам берамиз. БИЗ ҲАММА ЖОЙДА БОРМИЗ!

## ? Тадбиркорлар 30 дақиқада давлат рўyxатидан ўтказилади

— МЕН якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятимни давлат рўyxатидан ўтказмоқчиман. ДХМ томонидан ЯТТ сифатида рўyxатдан ўтказишда давлат божи қанча тўланиши ва қанча муддат талаб қилиниши керак?



— Тадбиркорлик субъектларини давлат рўyxатидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан якка тартибдаги тадбиркорликни давлат рўyxатидан ўтказиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари миқдорида, шахсининг ўзи интернет тармоғи орқали давлат рўyxатидан ўтказганда базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,5 баравари миқдорида давлат божи тўланиши керак.

Шунингдек, ушбу низомга асосан якка тартибдаги тадбиркорликни давлат рўyxатидан ўтказиш реал вақт режимида лекин 30 дақиқадан ошмаган вақтда амалга оширилади.

## ? Оталик ҳуқуқидан маҳрум бўлганлар ҳам алимент тўлайдими?

— МЕН суд қарори билан оталик ҳуқуқидан маҳрум этилганман, МИБ давлат ижрочисини алимент тўлашим кераклигини айтаяпти, оталик ҳуқуқидан маҳрум бўлсам ҳам алимент тўлашим керакми?



— Оила кодексининг 81-моддасида ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-она қайси болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса, шу болага нисбатан бўлган қариндошлик фактига асосланган барча ҳуқуқлардан, шу жумладан, ундан таъминот олиш, шунингдек болали фуқаролар учун қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва нафақалар олиш ҳуқуқларидан маҳрум бўлишини, шунингдек, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ота-онани ўз боласига таъминот бериш мажбуриятидан озод қилмаслиги кўрсатилган. Демак, Сиз Оила кодексининг 81-моддасига асосан оталик ҳуқуқидан маҳрум этилган бўлсангиз ҳам фарзандингизга алимент тўлаш мажбурияти сақланиб қолади.



Саволларга Мадад ННТнинг Навоий вилоят Навбахор тумани ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси Бунёд ХОЛМУРОДОВ жавоб берди.

## ҲАҚИҚАТ ҲАР ТОМОНЛАМА ЎРГАНИЛИШИ КЕРАК

Раддия

“БОБУР руҳини безовта қилганлар” (“Инсон ва қонун”, 2019 йил, 23 июль, 29-сон, муаллиф Хуршид Султонов) сарлавхали мақолани ўқидик.

Бобур номли халқаро жамоат фонди томонидан амалга оширилган ва ошираётган ишлари наинки мамлакатимиз, балки халқаро даражада эътироф этиб келинаётганини билмайдиган бирорта маърифатга ошно одам борми юртимизда?!

Мақолада андижонлик Бахтиёр Тоҳиров ва Бобур фонди тасарруфидаги миллий истироҳат боғи ўртасидаги низо қаламга олинган. Низо йигирма йилдан кўпроқ тарихга эга. Унга қонуний нуқта қўйилганига ҳам 15 йилдан кўп бўлган, аслида. Шунга қарамай, Б.Тоҳиров (орада маълум танаффусларни айтмаганда) шикоят ёзишни тўхтатгани йўқ. Майли, бу унинг ҳуқуқи. Бироқ фуқаро шикоятчи юзасидан журналистик суриштирув қилган мухбир фақат бир томоннинг манфаатидан келиб чиқиб мақола ёзмай ҳолатни холис ва ҳалол ўрганмайдими? Агар мухбир холис бўлганида эди шикоятчи томонидан айтилмай, атайлаб яширилган куйидаги воқеликлардан бохабар бўлар сўнг шунга қараб иш тутган бўларди?!

Андижондаги Бобур миллий истироҳат боғининг илгариги номи “Халқлар дўстлиги” эди. 1992 йилда мазкур масканга Бобур ҳазратларининг муборак номи берилиб, келаси йил у зотнинг 510 йиллиги катта тантана билан нишонланганини кўпчилик унутмаган ҳали. Бу жойдаги бино ва иншоотлар Андижон вилоятининг ўн учта тумани меҳнаткашлари томонидан (бюджетдан пул сарфланмай) ҳашар йўли билан бунёд этилганидан, эҳтимол, кўпчилик беҳабардир.

Бироқ Бахтиёр Тоҳиров жуда яхши биларди. Ҳақиқат шуки, ҳашар йўли билан барпо этилган бино ва иншоотлар “Карвонсарой” номи билан аталиб, мажмуа “Андижонсавдо” бошқармасига бепул бериларди. “Андижонсавдо” мутасаддилари ушбу ташкилот қошида “Истиқлол” савдо ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этиб, унга шу бошқарма хўжалик ишлари мудирини Б.Тоҳировни раҳбар этиб тайинлайди.

Шундан сўнг бу ердаги бино ва иншоотларнинг бир қисми банкдан кредит олиш учун гаровга қўйилди. Банкдан олинган қарз (катта эҳтимол билан қасддан) вақтида тўланмаслиги ортидан гаровдаги иншоот сотувга қўйилгач, Б.Тоҳиров уни “енг ичида” сотиб олиб, отаси номига хусусийлаштирди. Кейинчалик бошқаси ноқонуний сотилади. Вазият шу даражага етдики, истироҳат боғининг бино ва иншоотлари ичидаги қимматбаҳо жиҳозлар “ғойиб” бўлиб, камига дераза, эшикларини, полидан тортиб сантехника ускуналарига-ча суғуруб олиб кетилади, айрим жойлари эса молхонага (!), вино қадоклайдиган цехга (!) айлантирилади.

Бу гапларда ҳеч қандай муболаға йўқ. Ҳаммаси ўз тасдиғини топгани учун истироҳат боғи мулкларини хусусийлаштиришга оид ҳужжатлар суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилган, шунингдек, айна жараёнда ноқонуний хатти-ҳаракатлари учун Б.Тоҳиров ҳатто қамоқ жазосига ҳукм қилинган (бу унинг биринчи марта судланиши эмас). Ҳатто мулкларни ноқонуний хусусийлаштириб берган мансабдорлар ҳам жиноий жавобгарликдан қутулиб қолгани йўқ. Бу борадаги суд ҳужжатлари қонуний кучда турибди.

Қисқаси, талон-торожликлардан кейин боғдаги мулкий мажмуалар суд қарорига кўра жойига қайтарилади. Алоҳида қайд этиш керак, миллий истироҳат боғи фонд тасарруфидаги мустақил хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади. Шунга қарамай, нима эмиш, фонд раҳбари Б.Тоҳировнинг мулкига (?) “кўз олайтирибди”?! Инсоф билан айтинг-чи, ўзганинг мулкига ким кўз олайтирган экан аслида?! Бу Б.Тоҳировнинг ўзи эмасми?!

Мақола муаллифи эса вазиятни ўзича талқин қилиб, ҳолатларни силлиқлашга уринади: “...мулклар (?) Бобур миллий боғига олиб берилган экан, нима учун суд ёки прокуратура органлари унинг дастлаб тўлаган маблағларини бугунги кундаги нарх-наводан келиб чиқиб ёхуд Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси асосида ундириб бермади?”. Марҳамат, судга даъво киритсин, вазиятини исботловчи ҳужжат келтирсин, бу энди суднинг ваколатидаги масала. Аммо журналистнинг айрим бинолар гўё фонд раҳбари томонидан бузилганлик ҳолатига ҳуқуқий баҳо берилмади, мазмунидаги саволига оидинлик киритиб ўтамиз. Миллий истироҳат боғида тўртта бино Б.Тоҳиров “командаси” томонидан яроқсиз ҳолатга келтириб қўйилгани сабаб, шундай Андижон вилоят Архитектура ва қурилиш назорати инспекцияси ҳулосасига асосан уларни бузишдан бошқа чора қолмаганди.

Бахтиёр Тоҳиров-ку, тушунарли, эски адовати сабаб фонд раҳбари ва унинг шаънига яхши гап айтмаслиги маълум.

Бироқ мақола ёзган журналист-чи? Ҳолатни холис ўрганмай, шикоятчи нима деса ёзиб чиқараверининг сабаби ни-

мада? Бунинг сабаби қандай омилларга бориб тақалади?

Шикоятчининг фонд раҳбарининг қўли судларда баланд келиши собиқ бош прокурорнинг отаси билан кадрдон эканига боғлашига ҳатто оддий одам шубҳаланади. Бироқ мақола муаллифи бунга ишонади?! Наҳот, Б.Тоҳировнинг шу мазмунидаги гаплари қип-қизил тухмат эканини англаш учун катта ақл талаб қилинса?! Мухбир бу вазга ишониб, уни қўллаб-қувватлаб, мақоланинг тенг ярмини шунинг баёнига бағишлайди.

Мақолада таъкид этилган “...Бобур миллий истироҳат боғидаги хиёбонга “Ҳамид ота” номи берилгани”га келсак. Аслида бу жой хиёбон эмас. Бу бор-йўғи истироҳат боғининг чоғроқ чойхонаси, холос. Фахрийларнинг таклифи билан чойхона раҳматликнинг номи билан норасмий тарзда аталдики, ушбу жой бунёд этилишида унинг катта ҳиссаси борлигини тан олмаслик инсофдан бўлмайди. Бор гап шу.

Хулоса қилсак, обрў, ҳурмат ва мавқе кимларгадир “қадрдонлик”дан эмас, фидойилиқдан келади.

**А.АБДУЛЛАЕВ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист,  
**Р.МАМАСОЛИЕВ,**  
Бобур номли халқаро жамоат фонди раиси ўринбосари,  
**Э.БАҲРОМОВ,**  
Бобур маданият ва истироҳат боғи директори,  
**Х.ШАМСИЕВА,**  
“Бобур ва жаҳон маданияти” музейи мудираси



## ОЛОТДА САРСОН БЎЛГАН ТАДБИРКОРГА КРЕДИТ АЖРАТИЛДИ

ОЛОТ туман адлия бўлими томонидан тумандаги "Опшоқ" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи "Ali Sar Akfa" хусусий корхонаси раҳбари А.Каримовнинг тадбиркорлик қилиш мақсадида Агробанк АТБ Олот филиали томонидан кредит маблағи таъминотчига қўчириб берилмаётгани сабабли у ишини бошлай олмаётганлиги юзасидан қилган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, мурожаат муаллифи Агробанк АТБ Олот филиалига 2 ой олдин кредит ажратиш хусусида мурожаат қилган. Бироқ банк филиали масъул ходимларнинг ўз хизмат вазифаларига масъулиятсизлик билан ёки ўзига аён бўлган бошқа манфаатларда ёндашишлари натижасида "Ali Sar Akfa" хусусий корхонасида 30 миллион сўм кредит маблағи ўрганиш кунига қадар ажратилмаганлиги оқибатида тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятини бошлай олмаётганлиги маълум бўлди.

Ваҳоланки, Президентимизнинг 2019 йил 7 мартдаги "Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қароридан имтиёзли кредитлар оилавий тадбиркорлик, даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ва фаолият турини кенгайтириш истагини билдирган аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига йиллик 8 фоиз ставкада 3-6 ойгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга ажратилиши тегишли қарорлар асосида имтиёзли кредитлар: вилоятлар ёки туман (шаҳар)лар марказлари томонидан оилаларнинг хоҳиш ва истаклари, тадбиркорлик субъектлари ва ёшларнинг лойиҳалари, ушбу фаолиятни амалга ошириш учун етарли шароитлари мавжудлиги чуқур ўрганилиб, ҳар бир оила ва тадбиркорлик субъектларининг таклиф этаётган лойиҳаларига кредит ажратиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида бериладиган ҳуқуқсозлар асосида товарлар шартнома асосида келишилган нархда етказиб берилгандан ва лойиҳа эгаси ундан қаноатланиш ҳосил қилганидан сўнг ажратилади ва маҳсулот етказиб берувчининг ҳисобрақамига ўтказиб берилади, деб кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, Президентимизнинг 2018 йил 7 июндаги "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастурини амалга ошириш тўғрисида"ги Қарорининг 9-бандида тижорат банклари томонидан базавий ҳисоблаш миқдорининг юз эллик бараваригача миқдорда — оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар раҳбарлари ва маҳалла фуқаролар йиғини тавсияномалари асосида ҳамда базавий ҳисоблаш миқдорининг минг бараваригача миқдорда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларига учинчи шахс кафиллиги, суғурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулклар гарови, Жамғарманинг кафиллиги ва қонун ҳужжатлари доирасидаги бошқа таъминот турлари асосида кредитлар ажратилиши белгиланган.

Мурожаатни ўрганиш натижасига кўра, юқоридаги аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан "Агробанк" АТБ Олот филиалига тақдимнома киритилди ва мурожаат муаллифига 30 миллион сўмлик кредит маблағларининг ажратилиши таъминланиб, таъминотчи корхонага ўтказиб берилди.

**Ихтиёр ЧУЛЛИЕВ,**  
Олот туман адлия бўлими бошлиғи

**ТЕРМИЗ туман адлия бўлими томонидан тумандаги "Янгиобод" маҳалласида фаолият юритаётган "Чўпонали" фермер хўжалиги раҳбари Б.Дўскуловнинг туман ҳокимининг 2020 йил 11 майдаги 507-сонли қарорига асосан фермер хўжалиги билан тузилган узоқ муддатли ижара шартномаси бекор қилганлигидан норози бўлиб йўллаган мурожаати ўрганиб чиқилди.**



## Фермернинг ерини тортиб олмоқчи бўлишди... АДЛИЯ БУНГА ЙЎЛ ҚЎЙМАДИ

Туман ҳокимининг 2018 йил 30 майдаги "Янгиобод" маҳалла фуқаролар йиғини "Лимонзор" массивидаги туман захира ерларидан фуқаро Б.Дўскуловга фермер хўжалиги ташкил этиш учун узоқ муддатли ижарага ер ажратиш тўғрисидаги 1404-сонли қарорига асосан жами 5,8 гектар ер майдони ажратиб берилган. Туман давлат хизматлари марказининг 2018 йил 4 июндаги маълумотида кўра, "Чўпонали" фермер хўжалиги 2018 йил 4 июнда 613262-рақам билан реестрда давлат рўйхатига олинган ҳамда ушбу реестр рақами билан фермер хўжалигининг Устави тасдиқланган. Фермер хўжалиги фаолиятининг асосий тури этиб полиз экинлари етиштириш белгиланган.

Туман ҳокими билан "Чўпонали" фермер хўжалиги ўртасида 2018 йил 10 июнь куни "Фермер хўжалиги томонидан ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш" шартномаси тузилган ва туман ер ресурслари ва Давлат кадастри бўлимида 70-сон-

ли тартиб рақам билан рўйхатга ҳам олинган.

Бироқ фермер хўжалиги томонидан ерлардан унумли фойдаланиб, ердан унумли фойдаланиш учун сув насослари ўрнатилиб ишларни ташкиллаштирган ҳолда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишлар амалга оширилаётган ва полиз экинлари экилиб парваришланаётганлигига қарамадан, туман ҳокимининг 2020 йил 11 майдаги "Термиз тумани "Лимонзор" массиви худудидаги "Янгиобод" маҳалласида фаолият юритаётган "Чўпонали" сабзавот-полизчилик йўналишидаги фермер хўжалигининг ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини бекор қилиш тўғрисида"ги 507-сонли қарори қабул қилинган.

Ваҳоланки, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 33-моддасида, фермер хўжалигини тугатиш тартиби белгиланган бўлиб, унга кўра, "фермер хўжалиги фермер хўжалиги аъзоларининг қарорига бино-

ан ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда суднинг қарорига биноан тугатилади", деб қайд этилган. Аммо фермер хўжалиги раҳбари ва аъзоларининг розилигисиз ва суд қарорисиз фермер хўжалигини тугатиш юзасидан туман ҳокимининг қарори қабул қилинганлиги сабабли туман адлия бўлими томонидан туман Маъмурий судига Термиз туман ҳокимининг 2020 йил 11 майдаги 507-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида ариза билан мурожаат этилди.

Туман Маъмурий суди томонидан туман адлия бўлимининг "Чўпонали" фермер хўжалигининг манфаатини кўзлаб киритилган ариза тўлиқ қаноатлантирилиб, туман ҳокимининг 2020 йил 11 майдаги 507-сонли қарори ҳақиқий эмас, деб топилди ва фермер хўжалигининг қонуний фаолият юритишига эришилди.

**Музаффар ТУЛЯБАЕВ,**  
Термиз туман адлия бўлими бош  
маслаҳатчиси

**ФУҚАРОЛАР Н.Қурбонова ва бошқаларнинг Андижон тумани тиббиёт бирлашмасида ишлаган даври учун иш ҳақи ва бошқа мукофот пуллари тўлиқ берилмаганлигидан ҳамда оғзаки буйруқ асосда бошқа вазифага ўтказилганлигидан норози бўлиб йўллаган мурожаати бўлимимиз ходимлари томонидан ўрганиб чиқилди.**



## Андижон туман тиббиёт бирлашмасида қонунбузарликка йўл қўйилган

Мурожаатни ўрганиш давомида қонуний буйруқ асосида мурожаатчилар ҳамшира вазифасида эканлиги, тиббиёт бирлашмаси бошлигининг оғзаки буйруғига асосан март ойида ходимлар бошқа вазифага ўтказилганлиги, бунда ходимлардан Меҳнат кодексига зид равишда ёзма розилик олинмаганлиги, туман тиббиёт бирлашмаси маъмурияти иш берувчи тарихида ўз мажбуриятларини қўпол равишда бузиб, С.Маҳкамова (721 218 сўм), Н.Қурбанова (2 680 764 сўм), Д.Муродова (720 146 сўм), Х.Турғунов (991 050 сўм), Д.Мухтарова (344 183 сўм), Д.Ахмедова (269 043 сўм)ларнинг 2020 йил 7 ойлик иш ҳақи қайта ҳисобланганда жами 5 726 404 сўм ўз вақтида тўлаб бермаганлиги, шунингдек, 22 нафар ходимга бир марталик рағбатлантириш тўловлари тўлаб берилмаганлиги маълум бўлди.

Юқоридаги қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйганлиги учун бирлашма кадрлар бўлими бошлиғи Д.Мирзакаримов ва бош ҳисобчиси Б.Эргашевлар маъмурий жавоб-

гарликка тортилиб, жарима жазоси тайинланди.

Бундан ташқари, Андижон туман тиббиёт бирлашмасига келгусида баён этилган салбий ҳолатга барҳам бериш, барча ходимларни қонун ва қонуности ҳужжатларга таянган ҳолда иш кўриши борасида зарур чора-тадбирларни белгилаш ҳамда қонунбузарларга тегишли интизомий чора кўрилишини таъминлаш учун тақдимнома ва тўланмаган 5 726 404 сўм миқдоридagi иш ҳақини ундириш учун судга ариза киритилди.

Шунингдек, ўрганиш давомида 22 нафар ўрта тиббиёт ходимига Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 июлдаги 458-сон қарорига мувофиқ бир марталик рағбатлантириш сифатида 1 500 000 сўмдан жами 33 миллион сўм пул маблағлари тўлаб берилиши таъминланди.

**Рафиқ ТОШМАТОВ,**  
Андижон туман адлия бўлими  
бошлиғи

## БУЗИЛГАН УЙ УЧУН КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛАБ БЕРИЛДИ



ХАБАРИНГИЗ бор, уй-жойлар бузилганда фуқароларнинг розилиги олинади. Шу билан бирга компенсация пуллари тўланади. Аммо айрим мансабдор шахслар бор-ки, фуқароларнинг соддалигидан фойдаланиб, тегишли суммани тўлаб беришни ваъда қилиб ёки баъзан "кейин тўлаб берамиз", деб алдаб уй-жой бўшатилгач, тўловлар амалга оширилмай қолаётганлик ҳолатлари учрамоқда.

Бошқармамаизга фуқаро Н.Л. Қарши шаҳрида уй-жойи бузилиши муносабати билан тўланиши керак бўлган компенсация пуллари тўлаб берилмаётганлигидан норози бўлиб мурожаат қилди. Мазкур ҳолат юзасидан ўрганиш ўтказилди.

Бошқарма ходимларининг қонуний аралашуви билан Н.Л.га тўланиши лозим бўлган жами 207 950 800 сўм компенсация пули тўлаб берилиши таъминланди.

**Сардор РАҲИМОВ,**  
Қашқадарё вилоят адлия  
бошқармаси масъул ходими

**2019 ЙИЛНИНГ 10 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуни кучга кирди. Хўш, бу Қонун халқ учун нима беради? Унинг қандай фойдаси бор? Одатда ҳар биримиз кунда-кунора давлат идораларига иш билан борамиз. Кимдир корхона очмоқчи, яна кимдир олди-сотди шартномасини тузмоқчи ёки пенсиясини расмийлаштирмоқчи. Бошқа биров уй ёки бошқа бирор иморат қуриш ҳаракатида, яна кимдир ўқишини бошқа институтга кўчириши, хорижда олинган дипломини тасдиқлаши, илмий ёки ижодий фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштириш ташвиши билан юрибди.**



## Энди вақтингиз ҳам, нақдингиз ҳам кетмайди...

Сиз тақдим этган ҳужжатда қайсидир мансабдорнинг шубҳаси бўлса, ўзи текшираверсин...

**Х**уллас ҳар биримиз уйда ёки ишда, ўқишда, кундалик ҳаётимизда керак бўладиган ҳужжатлар учун анча-мунча ашиқларни очиб ёпамиз. Қаердадир ишимиз тез ва осон битса, яна қайсидир амалдорнинг олдидан ноумид қайтиб чиқамиз. Баъзида ҳужжатларнинг кўпчилиги, югур-югурлар силламинини курилади. Ҳатто, баъзида қайсидир иш учун тўплаган ҳужжатларимиз нотўғри, яроқсиз чиқиб қолса, яна ҳаммасини бошдан бошлашга тўғри келади. Тўғрироғи, шундай эди.

Мазкур Қонуннинг асосий мақсади ҳам имкон даражасида фуқароларни ортиқча даҳмазалардан халос қилиш, уларни қийнаётган муаммоларга чек қўйиб, ишларини тезроқ битиришга ёрдам беришдан иборат. Қонун фуқароларнинг давлатга ва давлат органларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Масалан, қонуннинг 8-моддасида ўқиймиз: “Маъмурий иш юритиш давомида манфаатдор шахслар томонидан тақдим этилган ҳақиқий ҳолатлар тўғрисидаги ҳужжатлар ва маълумотлар акси исботланмагунга қадар ишончли ҳисобланади”.

Машҳур бир теленовелла эсингиз-дадир? Бир мансабдор ҳузурига иш билан келган фуқародан йигирматача жойдан маълумотнома ва уларнинг ҳар бири ҳаққонийлигини исботлайдиган кўшимча ҳужжатларни талаб қилади. Энди Сиз тақдим этган ҳужжатларни ҳеч ким “қалбаки” деёлмайди. Ва бу ҳужжат ёки маълумотларнинг ҳақиқий эканлигидан кимдир шубҳаланадиган бўлса, марҳамат, ўзи текшириб олаверсин. Бунинг учун Сиз ҳаракат ёки харажат қилишингиз шарт эмас.

Ушбу Қонунга кўра, маъмурий орган вакили манфаатдор шахс — яъни Сизу бизга ўхшаган оддий фуқаро ўзига керакли ҳужжатни олиш учун борган тақдирда, унинг тақлифлари, фикрларини эшитиши, агар улар ҳақ бўлса инобатга олиниши шарт. Дейлик, Сиз ўз тадбиркорлик фаолиятингиз учун зарур бўлган ҳужжатни тегишли идорадан олмоқчисиз. Ўз ишингизнинг паст-баландини Сиз ўша идорада ўтирган мансабдордан кўра яхшироқ биласиз. Демак, ўша маъмурий ҳужжатни тайёрлашда нима учун Сизнинг фикрларингиз,

тақлифларингиз тингланмаслиги керак?

10-моддада ўқиймиз: “Маъмурий тартиб-таомиллар очиқ, шаффоф ва манфаатдор шахслар учун тушунарли бўлиши лозим”. Эътибор қилганмисиз, шу пайтгача аксарият маъмурий ҳужжатлар оддий фуқаро тугул унча-мунча тилшунос ёки файласуф ҳам тушуниши қийин бўлган услубда тайёрланарди? Нима учун? Фуқаролар ўзларига тегишли бўлган ҳуқуқ ва имтиёзларни тушуниб олишлари керак эмасми? Қонунлар, ҳужжатлар модомики, инсонларга хизмат қилиши керак экан, у ҳамма учун бирдек тушунарли ва аниқ бўлиши ҳам керак-да?

Қонуннинг 13-моддасига кўра, агар маъмурий органга тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар маъносига кўра бошқа зарур ҳужжатлар мазмунини ўз ичига олса, ушбу ҳужжатлар кўшимча ёки алоҳида тарзда талаб қилиниши мумкин эмас.

Масалан, илгари айрим ташкилотларга ишга кирадиган ходимлардан паспорт нусхаси билан бирга тураржойидан маълумотнома, олий ўқув юрти дипломи билан бирга ўрта маълумот олганини тасдиқловчи мактаб аттестати ҳам талаб қилинарди. Қизиқ, паспортнинг алоҳида саҳифасида фуқаронинг қаерда яшаши гербли муҳр билан тасдиқлаб қўйилган бўлса, маҳалла раисидан яна бир парча қоғоз талаб қилиниши кулгили эмасми? Ёки мактабни битирмаган бола институтга қабул қилинмаслиги ойдек равшан-ку? Умуман олганда, бунақа мисолларни истаганча келтириш мумкин. Қонун ана шундай мантиқсиз ҳужжатбозликнинг олдини олишга ҳам хизмат қилади.

Маъмурий иш юритишнинг “бир дарча” орқали амалга оширилиши ҳам ушбу Қонун билан мустаҳкамлаб қўйилди. Яъни, фуқаро битта ишини битириши учун ўнта ташкилотга югуриб ҳам вақтини, ҳам нақдини, ҳам соғлиғини йўқотишига ҳожат қолмайди. Агар қонун ҳужжатларида бошқа ҳолатлар кўзда тутилмаган бўлса, маъмурий орган зарур ҳужжатлар ва маълумотларни мустақил равишда, Сизнинг иштирокингизсиз, бошқа идоралардан ўзаро ҳамкорлик воситасида олаверади.

Агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса,

маъмурий орган мумкин қадар қисқа муддатларда, кўпи билан ўттиз иш кунидан кечиктирмай маъмурий ишни кўриб чиқиши ва маъмурий ҳужжатни қабул қилиши керак.

Баъзида турли сабабларга кўра ишни тўхтатиб туриш ёки умуман тугатишга тўғри келади. Шундай ҳолатлар ҳам Қонунда аниқ кўрсатиб ўтилган. 37-моддага асосан тегишли органлар маъмурий иш юритиши фақат ушбу иш билан боғлиқ ҳолатлар қайсидир судда кўрилаётган бўлса, маъмурий иш юритишда иштирок этаётган жисмоний шахс вафот этиб қолса, етишмаётган ҳужжатларни тақдим этиш лозим бўлса, манфаатдор шахслар иштироки зарур бўлганида, у узрли сабабларга кўра етиб келолмаса, манфаатдор шахснинг талабига кўра маъмурий орган томонидан экспертиза тайинланганда ва бошқа бир қатор ҳолатларда иш тўхтатиб турилади. Иш тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар бартараф этилгач, қайта тикланади ва бу ҳақда манфаатдор шахсларга бир иш кунини ичида хабар берилади.

Маъмурий орган иш шу органда кўриш учун тегишли бўлмаса, айна шу иш юқори турувчи ташкилот ёки суд томонидан ёхуд бошқа ваколатли орган томонидан кўрилаётган бўлса, шу иш юзасидан илгари тегишли ҳужжат қабул қилинган бўлса, ариза ёки маъмурий шикоят уни тақдим этган шахс томонидан қайтариб олинса, ишни тамомлаш учун иштироки зарур бўлган манфаатдор шахслар узрсиз сабабларга кўра етиб келмаса, ишда иштирок этувчи жисмоний шахс вафот этса, юридик шахс тугатилса-ю, ҳуқуқий воқеаликка йўл қўйилмаса, шу ва бошқа ҳолатларда иш тугатилиши мумкин.

Хуллас, анчагина салмоқли ҳажмга эга бўлган ушбу ҳужжат халқаро қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда, муайян ўрганишлар ва кузатишлардан сўнг қабул қилинган.

Албатта, ҳар бир қонун давлат идоралари, мансабдор шахслар томонидан чуқур ўрганилган, фуқаролар томонидан ижроси талаб қилинган тақдирда мукамал ишлайди. Зотан, ҳар бир қонун мамлакат тараққиётига, халқ фаровонлигига хизмат қилиши керак.

**Рустам ЖАББОРОВ,**  
Адлия вазирлиги масъул ходими

Давоми. Бошланиши 1-бетда

## Коррупцияга қарши курашишда Адлия вазирлигининг МУВАФФАҚИЯТ ФОРМУЛАСИ

Вазирлик коррупцияга қарши курашиш стратегиясининг биринчи босқичи 2019 йилнинг 1-ярмида амалга оширилди. Бунда Адлия вазирлиги коррупция хавфлари ва фактларини, ходимларнинг ўз ваколатини суиистеъмол қилиши ёки зарур пайтда ҳаракатсизлиги ҳолатларини аниқлаш мақсадида кенг жамоатчиликни ёрдамга чақирди. Шу боис, адлия органлари ва муассасаларида фуқароларга аудио ва видеоёзув воситаларидан фойдаланишга рухсат берилди. Жамоатчилик назорати ходимларнинг жавобгарлигини ошириш имконини берди.

Шу билан бирга, вазирлик ҳузурида коррупцияга қарши кураш кенгаши ташкил этилди. Коррупция хавфига мойил бўлган вазифалар (ваколатлар) ва лавозимлар рўйхати шакллантирилди. Интернет тармоғида нотариуслар бўш иш ўринларига танловлар онлайн-трансляция қилиниши янгилангандан бири бўлди. Бу билан, биринчидан, ходимларни саралаб олишнинг максимал шаффофлигига, иккинчидан, виждонли нотариусларни ишга тайинлашга эришилди.

Иккинчи босқич 2019 йилнинг июль ойидан 2020 йилнинг август ойларига амалга оширилди. БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда адлия органлари ва муассасаларида “KPMG International” компаниясининг халқаро экспертларини жалб этган ҳолда, коррупцияга қарши комплаенс назоратни жорий этиш бўйича лойиҳа амалга оширилди. Биринчи навбатда, тизим доирасида вазирлик ва унинг муассасаларида юклатилган функцияларни бажаришда коррупция хатарлари хавфи даражаси (492) бўйича баҳоланди ва таснифланди. Иккинчи навбатда, ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими” халқаро стандарти асосида вазирлиқнинг 10 дан зиёд ички ҳужжати тубдан янгиланди, вазирликда коррупцияга қарши курашиш бўлими ташкил этилди:

- ходимлар изчил ўқитилмоқда, ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги кўникмаларини ривожлантириш мақсадида e-study.adliya.uz янги платформаси ишга туширилди;
- давлат харидларини амалга оширишда контрагентларни текшириш амалиёти йўлга қўйилди;
- ходимларнинг фаолият самардорлигини баҳолаш KPI асосида амалга ошириш йўлга қўйилди;
- адлия органлари ва муассасалари фаолиятида манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини тартибга солиш механизми жорий қилинди.

Учинчи навбатда, кўрилган чора-тадбирлар натижасида вазирлик тизимидаги барча йўналишдаги коррупциявий шарт-шароитларни минималлаштириш ҳисобига коррупция ҳуқуқбузарликлари ва жиноятлари минимал даражага туширилди. Ходимлар ўртасидаги коррупция, жумладан, коррупцияга оид жиноятлар энг кам даражага туширилди.

Учинчи босқич 2020 йилнинг июнь-август ойларида амалга оширилди. “CERT International” s.r.s халқаро ташкилоти томонидан Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш менежменти тизими ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими” халқаро стандартига мувофиқлиги юзасидан сертификатлаш бўйича аудит ўтказилди. Ўтказилган аудит натижаси бўйича ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими” халқаро стандартига мувофиқлик сертификати берилди.

**Латофат ЮСУБОВА,**  
“Инсон ва қонун” мухбири

**МАЪЛУМКИ,**  
Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 72-моддасида меҳнат шартномасини тузиш ҳақидаги келишувдан олдин қўшимча ҳолатлар (танловдан ўтиш, лавозимга сайлаш ва бошқалар) бўлиши мумкинлиги белгиланган. Аммо аксарият ҳолларда кодексда белгиланган мазкур талаблар амалиётда тўлақонли татбиқ этилмасдан келинмоқда эди.

# Очиқ танловдан мақсад салоҳиятли кадрларни саралаш

Президентимизнинг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони мувофиқ, Президент ҳузурида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташкил қилинди. Ушбу Фармонга кўра, Агентликка давлат кадрлар сиёсати соҳасида давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, мустақил очиқ танловларни ташкил қилиш энг муҳим вазибалардан бири сифатида белгилаб берилди.

Очиқ танлов асосида кадрларни танлаш — бу маълум бир иш учун номзодлар билан суҳбатлашиш ва баҳолаш ва муайян мезонлар (малакалар, кўникмалар ва тажриба) асосида ишга жойлашиш учун шахсни танлаш жараёни ҳисобланади.

Малакали ва салоҳиятли ходимларни танлашда очиқ ва ошқора қоидаларга амал қилиш ва кадрларни жойлаштириш ҳамда лавозимга тайинлашда қариндошлик, шахсий хайрихоҳлик, ҳомийлик каби коррупциянинг бошқа кўринишларини истисно қилиш, ошқоралик ва ҳолисликни таъминлашга хизмат қилади.

Албатта, кадрларни очиқ танлов асосида танлаш давлат хизмати тизимида жуда муҳим рол ўйнайди. Бир томондан, давлат хизматчилари учун лавозимга

кўтарилиш рағбатлантириш бўлса, бошқа томондан, давлат идоралари малакали етакчи кадрларни танлаб, ўз стратегияларини амалга оширишини таъминлайди. Шунингдек, очиқ танлов давлат энг оғир жиноятлардан бири бўлган коррупциянинг олдини олиш борасида ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу сабабли, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасига асосан давлат органлари ходимларини шахсий ва касбий сифатлар, очиқлик, бегаразлик, одиллик ва ҳолислик принциплари асосида танлов бўйича саралаш тизими жорий этилди. Бу ҳолат давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлардан бири саналади.

Айтиш жоизки, юртимиз аҳолисининг давлат идоралари ва давлат хизматчисига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, давлат фуқаролик хизматидаги бўш лавозимларга очиқлик ва ошқоралик тамойилларига асосланган ҳолда илмми, ҳалол ва тажрибали кадрларни танлаш мақсадида амалга оширилмоқда.

**Ҳаётбек АКБАРОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг Андижон вилоят филиали бош инспектори

## ЭЪЛОН

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Тошкент вилоят бошқармаси томонидан ижро ҳужжатларига асосан мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотини аниқлаш мақсадида энг мақбул савдо ташкилотлари (юридик шахслар)ни очиқ танловда иштирок этиш учун таклиф этади.**

### 1. УМУМИЙ ШАРТЛАР

Танлов ташкилотчиси Бюронинг Тошкент вилояти бошқармаси

Танловнинг барча қатнашчиларига тенг танлов шартларини яратиш, ошқоралик, талабларнинг ягоналиги ва баҳо беришда ҳолислик танлов ўтказишнинг асосий тамойиллари ҳисобланади.

Очиқ танловда ижро ҳужжатлари асосида хатланиб, аукцион савдолари орқали ёхуд қонунчиликда белгиланган бошқа усулда сотилиши белгиланган мол-мулкка нисбатан татбиқ этилмайди.

Танлов ўтказишдан асосий мақсад ҳар бир туман-шаҳар бўйича ёки алоҳида турдаги мол-мулклар-

ни сотиш бўйича энг мақбул савдо ташкилотларини аниқлашдан иборат.

Танлов ижро ҳужжатларига асосан мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотини аниқлаш мақсадида ташкил этилган танлов комиссияси (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади) томонидан ўтказилади. Комиссия томонидан танловда қатнашиш учун топширилган ариза ва ҳужжатларни кўриб чиқиш Мажбурий ижро бюросининг Тошкент вилоят бошқармаси томонидан (Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Темуралиев кўчаси, 2-уй) 2020 йил 20 октябрь кунидан бошлаб, ҳар кун соат 10:00 дан 18:00га қадар амалга оширилади ва тан-

лов натижалари бўйича ғолиблар аниқланади.

Жумладан, **2020 йил 20 октябрь кун соат 10:00 дан 18:00 гача Ангрен, Олмалик, Оҳангарон, Нурафшон шаҳарлари, Оҳангарон, Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ ва Паркент туманлари;**

**2020 йил 21 октябрь кун соат 10:00 дан 18:00 гача Янгийўл, Бекобод шаҳарлари, Бекобод, Бўка, Пскент, Қуйичирчиқ, Оққўрғон, Чиноз ва Янгийўл туманлари;**

**2020 йил 22 октябрь кун соат 10:00 дан 18:00 гача Чирчиқ шаҳар, Зангиота, Тошкент, Қибрай ва Бўстонлик туманлари** бўйича танлов ўтказилиб, танлов натижаларига кўра ғолиблар аниқланади.

### 2. ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ ВА ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИНИ АНИҚЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Танловда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган, турғун савдо шохобчаси мавжуд юридик шахслар қатнашишлари мумкин.

**Қуйидаги юридик шахслар танловга қатнашишга қўйилмайди:**

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкрот арафасида бўлган;
- фаолият юритаётганига олти ой бўлмаган;
- охиригича икки йил ичида ижро ҳужжатлари асосида хатланган мол-мулкни сотиш юзасидан тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги сабабли шартнома бекор қилинган бўлса.
- Танловда ғолиб чиқишнинг асосий мезонлари;
- истеъмолчи учун жойлашган жойининг қулайлигини (вилоят ва туман-шаҳар марказлари, бозорлар ва бошқаларга яқинлиги);
- мол-мулкларнинг сақланишини, туркумланишини, сортларга ажратилишини ва бутланишини таъминловчи жойларнинг (ускуналарнинг) мавжудлиги;
- талабгорнинг ҳисобварағидаги мажбуриятлардан холи бўлган пул маблағлари;
- талабгор томонидан танловга таклиф этилаётган транспорт ёки бошқа техника воситаси;
- кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмасининг пастлиги.

### 3. Танловда иштирок этиш истагини билдирган савдо ташкилоти қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- Комиссия номига ариза;
- давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
- савдо ташкилоти таъсис ҳужжатларининг нусхаси;
- савдо дўконига бўлган мулк (ижара) ҳуқуқининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхаси;
- савдо дўконининг жойлашган жойи тўғрисида маълумот, унинг қисқача тавсифномаси ва 10x15 ўлчамдаги рангли фотосуратлари (жойнинг атроф кўриниши, умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилиши керак);
- мол-мулкларнинг сақланиши, туркумланиши, сортларга ажратилиши ва бутланишини таъминловчи жойларнинг (ускуналарнинг) қисқача тавсифномаси, шунингдек, 10x15 ўлчамдаги рангли фотосуратлари (жойнинг умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилади);
- талабгорнинг мажбуриятлардан холи пул маблағлари мавжудлиги тўғрисида банк маълумотномаси;
- талабгорга тегишли ҳамда ижро ҳужжати бўйича мол-мулкни сотишда иштирок этиши мумкин бўлган техник соз ҳолатдаги транспорт ёки бошқа техника воситаларига оид ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар нусхаси ҳамда уларнинг техник тавсифи;
- кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмаси миқдори (10 фоиздан кўп бўлмаган);
- савдо ташкилотининг мол-мулклар реализация қилиш бўйича ҳисобини юритишга мўлжалланган махсус дастурий таъминотни ишла-тиш мажбурияти.

Алоҳида турдаги фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома ёки лицензия талаб қилинган ҳолларда, уларнинг нусхаси ҳам тақдим этилади.

Талабгорлар мазкур Низомда белгиланган баҳолаш мезонларини тасдиқлаш учун зарур бўлган бошқа қўшимча ҳужжатларни тақдим қилишлари мумкин.

Мазкур Низомда кўрсатилган ҳужжатларнинг ҳақиқийлигига шубҳа туғилган тақдирда, танлов ўтказилиши белгиланган кунда Комиссия томонидан мазкур ҳужжатларнинг асл нусхалари талаб қилиниши мумкин. Бунда тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги текширилади ва ҳужжатларнинг асли қайтариб берилди.

Савдо ташкилоти қайси ҳудудда фаолият юритаётган бўлса ёки танлов ўтказилаётган туманга (шаҳарга) яқин жойлашган бўлса, ушбу ҳудуд бўйича ўтказилган танловда иштирок этиш учун ҳужжатлар тақдим этиши мумкин.

Танловда иштирок этиш учун тақдим этилган ҳужжатлар Комиссиянинг ишчи органи томонидан қабул қилинади. Тақдим этилган ҳужжатларни қабул қилиш рад этиш тақиқланади, мазкур Низомнинг 14-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Аризага талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг рўйхати имзо (муҳр)ланган ҳолда илова қилинади.

### 4. ТАЛАБГОРЛАР ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ҚИЛИНГАН АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Ариза ва ҳужжатлар Мажбурий ижро бюроси Тошкент вилоят бошқармаси биносига (*Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Темуралиев кўчаси, 2-уй. Тел.: (71) 263-53-07, (71) 263-50-65*) Комиссия ишчи органи Бюронинг Тошкент вилоят бошқармаси суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш бўлими томонидан 2020 йил 14 октябрь кунига қадар қабул қилинади.

Аризага илова қилинган ҳужжатлар шахсан, курьер ёки алоқа бўлими орқали ёпилган (муҳрланган) конверт билан ушбу эълонда кўрсатилган манзил бўйича “Ижро ҳужжатларига асосан мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотини аниқлаш мақсадида ташкил этилган танлов комиссияси”га деган ёзув билан тақдим қилиниши керак.

Алоқа бўлими орқали юборилган ҳужжатлар ишчи орган уларни рўйхатдан ўтказган кундан бошлаб келиб тушган ҳисобланади.

Белгиланган муддатда тақдим этилмаган ёки мазкур эълоннинг 2-банди, 2-хат бошида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, танловга тақдим этилган ҳужжатлар қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Тошкент вилояти бошқармаси танлов ўтказиш комиссияси.

Сир эмас, яқин кунларда ижтимоий тармоқларда бир оила бошлиғи, 3 нафар фарзанднинг отаси, Миллий гвардия аталмиш нуфузли идора хизматчиси томонидан 2,5 яшар боланинг қийнаб ўлдирилганлиги тўғрисидаги тарқалган хабар барчамизнинг қалбларимизни ларзага солиб, кўнгилларда надомат уйғотди: “Эссиз, инсон деган ном”...

### МЕҲРСИЗ ВА МАСЪУЛИЯТСИЗ ОНАЛАР ҲАМ БЎЛАДИМИ?

Яқинда телеканалларнинг бирида намоёниш этилган “Асранди” фильмидаги болалар уйи тарбияланувчиларидан бири шундай дейди: “Ўзи дунёга келтирган фарзандидан воз кечган, бола тарбиясидан кўра, ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлаган меҳрсиз оналарнинг ҳам оёғи остидами жаннат? Она меҳри нима, қандай бўлади? Уни бир бор ҳис қилиш учун бутун умримни берган бўлардим”.

Бу армонли сўзлар кичкина Абдорнинг ҳам мурғак кўнглидан кўп бора ўтган бўлса, не ажаб? Айниқса, бир бурда миннатли нонни минг бир таъна билан еганда, холасининг болалари ота-онасига эркалик қилишганида ва поччаси томонидан тинимсиз хўрланиб, аёвсиз калтакланганида, у ҳам бошқа болалар каби она меҳрини туйишни, онасининг қучоғидан ҳимоя топишни истасан бўлиши табиий.

Янгийўллик 23 яшар Ёқутонинг (исм-шарифлар ўзгартрилган) оилавий ҳаёти бошидан пойдевори қийиқ иморатдек қурилди. Унинг шаръий никоҳ асосидаги турмуши бор-йўғи саккиз ой давом этди. Улкан орзу-умидлар билан қурилган ёш оила барбод бўлди. Келинлик уйини тарк этган келинчақ қорнидаги икки ойлик боласи билан маълум сабабларга кўра, ота-онасининг уйдан эмас, опасининг уйдан паноҳ топди. 2020 йил 14 июлда Ёқутой ўғил фарзанд кўрди. Собиқ турмуш ўртоғи эса фарзандини бир бор кўришга ҳам ярамади. Кунлар ўтган сари опа-сингил ўртасида турли келишмовчиликлар пайдо бўла бошлагач, Ёқутой Тошкентга, ижара уйга кўчиб ўтди. Албатта, ижара ҳақи, еб-ичиш, рўзгор тебратиш ёлғиз она учун қийинчилик туғдириши тайин. Нафақадаги онасининг кўмаги нима ҳам бўларди? Даставвал, у кичкина Абдорни энага қўлига қолдириб, овқатланиш шохобчасида турли юмушларни бажариб юрди. Кейинчалик қўл-оёғи қаққонгина хизматчини ошхона хўжайини хўрандаларга хизмат кўрсатувчи официант қилиб тайинлади. Ишлаб топган пули ижара ва энага ҳақини тўлаш, рўзгор тебратишга бемалол етиб турарди. Шу сабабли, турмушдан нолимаса ҳам бўларди-ю, аммо чет эл сафарига отланган дугоналаридан бирининг “Туркияда официантлар ҳафтасига фалон АҚШ

# ГУНОҲИМ НИМА ЭДИ?

## Ёруғ дунёга тўймаган 2,5 яшар гўдакнинг БОЛАЛИК ҚУВОНЧНИ КЎРОЛМАГАН кўзларидаги жавобсиз савол

**ҲАЗРАТИ Алишер Навоий**  
“Инсон борки инсонларнинг нақшидир, инсон борки ҳайвонундан яхшидир”, деганларида не чоғлик ҳақ эди. Қўпчилигимиз бу машҳур сатрларни ёддан билсак-да, айрим кимсалар томонидан содир этилган ёвузликларни кўрганда кўзимизга, эшитганда қулоқларимизга ишонгимиз келмайди. Зотан, одамзотнинг ҳеч бир сабабсиз беғуноҳ тирик жонга азоб бериши, шафқатсизлик билан азоблаб ўлдириши инсонийликнинг ҳеч бир қолипига тўғри келмайди-да.

доллардан иш ҳақи олиши, унга ўхшаш ёш, келишган аёллар учун сердаромад иш топиш муаммо эмаслиги”ни эшитиб, мўмай маблағ дарди тинч қўймади. Мурғак фарзандини ўйлаб ҳам ўтирмай бир қарорга келди.

2019 йилнинг ноябрь ойида Ёқутой Тошкент шаҳрида яшовчи опаси Замирага кўнғироқ қилиб, Туркияга ишга кетаётганлигини, агар рози бўлса, ўғли Абдорга вақтинчалик қараб туришини, бунинг эвазига ҳар ойда 150 АҚШ долларини беришини айтади.

“Қайдам, поччанг рози бўлмаса керак, унинг феълини яхши биласан-ку”, дея тайсаллаган опаси эртасига синглисига кўнғироқ қилди.

— Ёқутой, Абдор учун ҳали жой топмадингми? Поччанг ўғлингга қараб туришимизга рози бўлди. Фақат уч ойлик хизмат ҳақини олдиндан тўлаб қўйсин, деяптилар.

— Майли, қўяверинг, Севара опа билан гаплашдим, опа. Ҳозир келиб, Абдорни олиб кетадиган бўлишди.

— Вой, жиянимни бегона аёлга қандай ишониб қолдирасан? Ўзимиз қараймиз Абдоржонга. Поччангни аранг кўндирганим-да, бундай қилмаганим-да энди, нақд бошим балога қолади-я...

Опа-сингил ўртасидаги ўзаро суҳбатдан сўнг кичкина Абдор холаси Замиранинг уйда яшаб туришига келишилди. Орадан бир ой ўтар-ўтмас келишилганидек, Ботир Азизовнинг қўлига қайнисинглиси Туркиядан юборган 650 АҚШ долларини келиб тушди ва унинг тунд чехраси бироз ёришгандек бўлди. Шундай бўлса-да, Абдор ундан ўлгудек кўрқар, Ботирни кўрганда бир бурчакка тикилиб, ҳатто овқатга ҳам чиқмасди. Болакайнинг юраги Ботирдан бекорга безилламасди-да. Давангирдай эркак ҳуда-беҳуда Абдорни жеркиб солар, бирор нарсадан жажли чиққанда, гўё барисига Абдор айбдордай уни аямай



калтакларди. Боланинг бошига муштлайверганидан, у яқинига кимдир яқинлашгудек бўлса, беихтиёр митти қўлчалари билан бошини беркитадиган бўлиб қолганди. Замира унинг ҳолатини сезса-да, ўзини сезмаганга, кўрса-да, кўрмаганга олди. Ўзи ҳам она бўлган аёлнинг дийдаси қаттиқлиги, миттигина жиянининг холига ачинмаганлиги, бирор амалий чора кўрмаганлиги одамни таажублантиради. Қолаверса, жабрдийда унга бегона эмас, жигарининг боласи эмасиди?

Лекин Замирани боланинг аянчли аҳволдан кўра, Абдор учун хориждан жўнатилаётган пуллар кўпроқ қизиқтирарди. У эрининг тазийки билан синглисидан гоҳ боланинг боғчаси, гоҳ даволаниши ёки кийим-кечак ва озиқ-овқатини баҳона қилиб тинмай пул сўрарди.

Фарзандига оналик — меҳрмуҳаббатини бериш, уни тарбиялашдан кўра, хорижда пул топишни афзал билган Ёқутой эса оналикнинг масъулиятини бўйнидан бутунлай соқит қилган эди.

### “АМАКИЖОН МЕНИ УРМАНГ”

Холасининг уйда ўтган 2 ой давомида кичкина Абдор бу дунёнинг бор ситамларини татиб кўришга улгурди. Ичкиликка ружу қўйган Баҳодир Ашуров бадахлоқлиги туфайли оиласида тез-тез жанжал чиқарар, арзиманган нарсаларга хотини ва болаларини дўппослар эди. Унинг феълига чидай олмаган ота-онаси ҳам ўғиллари билан борди-келди қилишмасди. Баҳодир давлат идорасининг хизматчиси лавозимида ишлаб, яхшигина маош оларди. Лекин ижара уйда яшаётганлиги сабабли ўзини омадсиз ҳисоблаб, бор аламини оила аъзоларидан оларди. Кичкина қайнисинглисининг ўғли уйларига келгач, норасида бола кўзига балодай кўрина бошлади. У кўнгилхушлик учунми ёки ўз

куч-қудратини ожиз болакайга кўрсатиш учунми кўлида пичоқ ўйнатиб Абдорга: “Мана бу пичоқни кўрдингми? Жаҳлимни чиқарсанг сени сўяман”, деб таҳдид қилар, сўнг ўз ишидан мамнун бўлгандек, қулганича унинг юзига шапатиллаб урарди.

Замира Ашурованинг судда берган куйидаги кўрсатмаси ҳам Б.Ашуровнинг инсон қиёфасида махлуқ эканлигини айтиб турибди. “Турмуш ўртоғим турли баҳоналар билан Абдорни аямай калтаклар эди. Унинг зулми шу даражага етдики, болакай уни кўрди дегунча, кўрққанидан қалтирайдиган, иштонини хўллаб қўядиган бўлиб қолди. Гоҳида кўз ёшлари аралаш: “Урманг, урманг” деб ялинарди. Иложи борича уни эрим билан ёлғиз қолдирмасликка ҳаракат қилардим. Бир куни болаларимни боғчадан олгунимча, эрим ишдан барвақт келибди. Абдор ранги униқиб бурчакка қалтираб турарди. Ёнига борганимда кўлларида, елкаларида қизарган тиш изларини кўрдим. Ким қилди буни десам, титроқ қўлчалари билан эримни кўрсатди. Нимага болани бунча қийнайсиз, Худодан кўрқмайсизми, деб йиғладим. У эса “Сенинг ишинг бўлмасин, агарда бирон-бир шахсга бу ҳақида айтсанг, сени ҳам, фарзандларингни ҳам ўлдириб юбораман”, деб кўрқитди”.

### ҚИЙШИҚ ДЕВОРНИНГ БЕГУНОҲ ҚУРБОНИ

Ўша машъум кун ҳам Баҳодир одатдагидан уйга сархуш қайтди. Холасининг болалари билан ўйнаб ўтирган Абдорни кўргач, уни ёнига чақириб, яна бир бор иштонини хўл қилиб қўйса, ёмон бўлишини айтиб огоҳлантирди. Унинг ёвузларча қарашлари ва таҳдидидан кўрққан болакай турган жойида сийиб қўйди. Буни кўрган Баҳодир унинг бошига икки мушт туширди. Бунга ҳам

қаноат қилмай ерга йиқилган Абдорнинг дуч келган жойига тепа бошлади. Замира эрининг кўлидан болани қутқариб олганда, митти гўдак хушсиз, чалажон эди. Шунда ҳам “Тез ёрдам” чақириб, жароҳатларини муолажа қилиш ўрнига аёл уни ўриндиққа ётқизиб қўйди. Бироздан сўнг бола кўзини очиб, кимгадир қарата секингина, “Мени олиб кетинг”, дея илтижо қилди-да, жон берди.

Замира Ашурова эри ўргатганидек, онасига “Синглисининг боласи зинадан йиқилиб ўлганини, уни кўмиш учун Қуйичирчиқ туманида яшовчи қайонасининг уйига кетишаётганлигини” айтиб кўнғироқ қилди. Онаизор йўл-йўлакай қизи, Ёқутойга бу шумхабарни телефон орқали етказди. Малика хола Абдорнинг кўкарган юзлари, баданидаги жароҳатларни кўриб кўнглида неварасининг зинадан йиқилиб ўлганига шубҳа уйғонди. Болани шифокорлар хулоса ёзиб бермагунча кўмишга қаршилик қилиб, ҳолат юзасидан тумандаги хуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимларига хабар беришга эришди.

Тегишли мутахассислар хулосасига кўра, 2,5 ёшли Облақулов Абдор шафқатсизлик ва қасддан етказилган тан жароҳатлари туфайли вафот этганлиги расман ўз тасдиғини топди.

2020 йил 3 июнь куни бўлиб ўтган жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди томонидан беғуноҳ гўдакнинг қотили Б.Ашуровга Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан, узил-кесил 19 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Халқимизда “Қийиқ девор қуламай қолмайди”, деган ажойиб нақл бор. Одамларни огоҳликка ундовчи бу ҳикмат замирида ҳар қандай ёмонлик ва бахтсизликнинг олдини олиш мумкин, деган маънони англаш қийин эмас.

Шу ўринда ҳар биримизнинг кўнглимиздан “Ахир, бир мурғак боланинг азобларига барҳам бериш мумкин эди-ку”, деган ҳақли фикр ўтиши табиий. Афсуски, Абдоржоннинг азоб-уқубатларига жим қараб турган, унинг аччиқ ҳаёти машъум фожиа билан туғашини била туриб ҳам амалий чора кўрмаган кимсалар қонун ва Ҳақ олдида жавобгарлик муқаррарлигини унутган кўрилади. Акс ҳолда, ҳаётга келиб болалик қувончларини кўрмаган Абдорнинг кўзлари бевақт юмилмаган бўларди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мазкур мақолани ёзишдан мақсад, ўқувчиларни ёвузлик тафсилоти билан таништириш эмас, аксинча, фарзандларимиз, яқинларимиз ва атрофимиздаги одамлар тақдирига бефарқ бўлмаслик ва огоҳликка яна бир бор чақиритишдир.

**Ҳамид ШАМШИЕВ,**  
жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси,  
Фарида ҚОРАҚУЛОВА,  
“Инсон ва қонун” мухбири

**ИНСОН ҚОНУН**  
2007 йил 3 январда  
Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
0081-рақам билан  
рўйхатга олинган  
ISSN 2030-7897  
МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
www.minjust.uz

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**  
Тошқулов Акбар Жўрабоевич  
Рабиёв Шерзад Миржалилович  
Тожиёв Фурқат Шомуродович  
Искандаров Ёрбек Нурбекович  
Эргашева Дилфуза Рустамовна

**Бош муҳаррир**  
**Кўчқор НОРҚОБИЛ**

Тахририятга келган  
кўлёмалар тақриз  
қилинмайди ва муаллифга  
қайтарилмайди.

**Навбатчи**  
Латофат Юсубова

**Саҳифаловчи-дизайнер**  
Жасур Тожибоев

**Нашр индекси: 137**

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси тахририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.

**Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

**Тиражи — 4780**  
Буюртма — V-4317

Топшириш вақти — 19:00  
Топширилди — 19:00

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
100 115, Тошкент ш.  
Чилонзор кўчаси-29.  
Факс: (0371) 277-02-97

**Обуна бўлими: 277-02-57**

Баҳоси келишилган нархда  
1 2 3 4 5

# “МАДАД”: 1 ЙИЛ БЎЛДИ

## ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

### Бепул ва беминнат ёрдам берилади

— Бундан бир йил аввал Ҳукумат қарорига асосан “Мадад” — муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилоти ташкил этилган эди. Ушбу ташкилотни тузишдан кўзланган асосий мақсад ва вазифалар нималардан иборат?

— Ўтган йили Давлатимиз раҳбарининг жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисидаги фармони қабул қилинган эди.

Ушбу ҳужжатда, кейинги йилларда мамлакатимизда миллий ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ҳамда малакали юридик кадрларни тайёрлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилганлиги, шу билан бирга, ҳозирги глобаллашув даврида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг инновацион усуллари, хорижий давлатларнинг бу борадаги ижобий тажрибаларидан етарли даражада фойдалана олмаётганлигимиз таъкидлаб ўтилган эди.

Айнан унда белгиланган асосий вазифалар, мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини янада такомиллаштиришни, фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини ошириб боришнинг замонавий усуллари жорий этишни талаб этади.

Шунга кўра, аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида “Мадад” — муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилоти ташкил этилди.

Дастлаб адлия вазирлигининг ташаббуси билан Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда “Citizens Advice” деб номланган мустақил хайрия ташкилоти фаолияти ўрганилди. Ушбу ташкилот Буюк Британия давлати ҳудудида фаолият кўрсатадиган мустақил хайрия ташкилотларидан иборат тармоқ сифатида 1939 йилдан буён фуқароларга бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиб келади.

Мазкур хорижий давлатнинг ижобий тажрибасини ўрганган ҳолда, мамлакатимиз аҳолисини ҳуқуқий ахборотга бўлган эҳтиёжини таъминлаш ва фуқароларга онлайн режимда бепул маслаҳатлар бериш тизимини самарали йўлга қўйиш мақсадида “Advice.uz” (e-maslahat.uz) ҳуқуқий ахборот портали яратилди.

Ушбу портал ишга туширилгандан ҳозирги кунга қадар 71 мингдан ортиқ ҳуқуқий масалалар бўйича онлайн саволлар келиб тушган. Ушбу саволларга ташкилотимиз ходимлари



томонидан реал вақт режимида маслаҳатлар ва тушунтиришлар берилган.

Шунингдек, ҳозирги пайтга қадар 200 мингдан ортиқ порталдан фойдаланувчилар ўзларини қизиқтирган ҳуқуқий ахборот ва маълумотлар билан танишиб чиққан.

Ушбу портал, бугунги кунда ташкилотимизнинг расмий сайти сифатида мунтазам равишда юритилиб ва янгиланган борилмоқда.

Ташкилотимизнинг мақсади — фуқароларга бепул юридик ёрдам кўрсатишдан иборат.

— **Ташкилот ташкил этилгандан ҳозирги пайтга қадар қандай амалий натижаларга эришди?**

— Авваламбор, ташкилотимиз марказий аппаратида танлов асосида малакали кадрларни жалб қилдик. Олий юридик маълумотга, етарли иш тажрибасига эга бўлган кадрларни танлаб, улар билан меҳнат шартномалари тузилди.

Шу билан бирга, бино, компьютер техникаси ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминлаш масалалари ҳал қилинди. Бу жараёнга халқаро ҳамкор ташкилотларимиз — Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва Халқаро ривожланиш бўйича АҚШ Агентлиги (USAID) молиявий ва техник жиҳатдан ёрдам кўрсатиб келмоқда. Бугунги кунда ушбу халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида грант шартномаларини имзолаб, яқиндан ҳамкорлик алоқаларини олиб бормоқдамиз. Халқимизга, айниқса, жойлар-

МАЛАКАЛИ ҳуқуқ-шунослардан тезкор ҳуқуқий маслаҳатлар, энг сўнги ҳуқуқий ахборотларни қаердан олиш мумкин? Албатта, “Мадад” нодавлат нотижорат ташкилотидан-да. Ушбу муассаса бугун минглаб инсонларга кўмак бўла олди. Айтганча, мутахассисларнинг барча маслаҳатлари бепул, беминнат. Бунақаси эса ҳали бўлмаган эди. Бир йиллик фаолиятини нишонлаётган мазкур идора фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида “Мадад” ННТнинг ижрочи директори Тўлқин ТУРСУНОВ билан суҳбатлашдик.

тиқ муружатлар келиб тушган бўлса, ушбу муружатларнинг асосий қисмини ижтимоий ҳимоя, меҳнат муносабатлари ҳамда оилавий муносабатларга оид саволлар ташкил этган.

Жумладан, ижтимоий ҳимоя соҳасида 2 ва 14 ёшгача бўлган болалар учун бериладиган нафақалар, кам таъминланган оилалар учун моддий ёрдам ажратиш тартиби бўйича саволлар йўлланган.

Меҳнат муносабатларида эса, кўпроқ иш ҳақи, меҳнат таътили ва меҳнат шартномасини бекор қилиш билан боғлиқ масалаларда ҳуқуқий маслаҳатлар сўрашган.

Оилавий муносабатларда эса, алимент ундириш, никоҳ тузиш ҳамда уни бекор қилиш масалаларидаги кўплаб саволлар билан муружат қилишган.

Баъзи ҳолларда, ташкилотимиз фаолияти билан тўлиқ ва батафсил танишмаган айрим фуқаролар томонидан ижтимоий тармоқларда кўрсатиладиган юридик хизматларнинг нархи борми, агар бўлса, қаерда эълон қилинган деган фикрлар ҳам билдирилмоқда.

Бизнинг ташкилотимиз, ҳукумат қарорига асосан фуқароларга ҳуқуқий масалалар бўйича бирламчи бепул юридик ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилганлигини яна бир марта таъкидлаб ўтиш лозим. Шунга кўра, ташкилотимиз ва ҳудудий маслаҳат бюрolari ходимлари томонидан фуқароларга кўрсатиладиган юридик ва амалий ёрдам мутлоқо бепул ҳисобланади.

Шу ўринда, ташкилотимиз фаолиятига бир йил тўлганлиги муносабати билан аҳолимиз учун яратилган яна бир муҳим янгиланиш эълон қилмоқчимиз.

Хусусан, ташкилотимиз томонидан Халқаро ривожланиш бўйича АҚШ Агентлиги (USAID) билан ҳамкорликда мамлакатимиз аҳолиси учун бепул маслаҳатлар беришга мўлжалланган “Advice.uz” (e-maslahat.uz) ҳуқуқий ахборот порталининг янги интерактив шакли ишлаб чиқилиб, яқин кунларда ишга туширилиши режалаштирилган.

— **Мазкур янги интерактив порталдан фойдаланувчилар қандай имконият ва қулайликларга эга бўлади?**

— Биринчидан, порталда фойдаланувчилар томонидан ҳуқуқий масалалар бўйича онлайн режимда юборилган савол-жавобларнинг сифатини баҳолаш учун имконият яратилади;

иккинчидан, фуқаролардан келиб тушган муружатларнинг мониторинги олиб борилади ва статистик ҳисоботи юритилади;

учинчидан, порталдан фойдаланувчилар томонидан ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини изоҳлар шаклида ёзиб қолдириш (feedback) имконияти мавжуд бўлади;

тўртинчидан, фуқароларга видеоалоқа режими орқали бевосита ҳуқуқий маслаҳатлар ва тушунтиришлар бериш (face to face) амалиёти йўлга қўйилади;

бешинчидан, экспертлар ва кўнгилчилар (волонтерлар) учун махсус саҳифа яратилиб, улар ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар бериш амалиётига жалб қилинади.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, келгусида жойларда аҳоли муаммоларини ҳал қилиш мақсадида республикамиз бўйича босқичма-босқич ҳар бир туман ва шаҳарларда ҳуқуқий маслаҳат бюрolari ташкил этилиши кўзда тутилган.

Ушбу режаларни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилиши ҳар бир фуқарога ўзи яшаётган ҳудудда, ўзи хоҳлаган пайтда зарур ҳуқуқий ахборотни олиши, ундан фойдаланиши ва ўзини қизиқтирган бошқа ҳуқуқий масалаларнинг тезда ечимини топиши учун имконият ва қулайликлар яратади.

Зеро, “Мадад” ташкилотининг асосий мақсади ҳам аҳолига беминнат ҳуқуқий ёрдам кўрсатишдан иборат!

— **Суҳбат учун ташаккур.**

“Инсон ва қонун” мухбири  
Дилфуза ЭРГАШЕВА  
суҳбатлашди.